



19.08.2022 даги

"Бобур" хусусий фирмаси ва Дехконобод туман хокимлиги ўртасида 6900000,00 сўм умумий суммага  
тузилган 14/3 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 018  
Шахсий ғазна ҳисобварақ 305122860102127109602018001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4821190			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август	6 900 000,00			6 900 000,00
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>6 900 000,00</b>			<b>6 900 000,00</b>

Жами 6900000,00 сўм

Олти миллион тўққиз юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2070000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Алиқулов Зоир Халилович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Исмоилов Шарофиддин Абдирахмонович

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

# SHARTNOMA № 14/3

(Qurilishda pudrat ishlari bajarish uchun)

« 19 » 08 2022 yil

Dexqonobod tumani

Keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritilgan Dexqonobod tuman hokimligi bir tomondan va Ustav asosida ish yurituvchi rahbari Z.Aliqulov va keyingi o'rinlarda «Bosh pudratchi» deb yuritiladigan Bobur xususiy firmasi rahbari B.Toshboyev mazkur shartnomani quyidagi mazmunda tuzdilar.

## **1.SHARTNOMA MAZMUNI.**

1.1. «Bosh pudratchi» mazkur shartnoma shartlariga ko'ra «Buyurtmachi» Ayollar daftariga kiritilgan Shabanova Madinaning yashash uyi uchun qurilish materiallari xarid qilish va ta'mirlash ishlarini loyiha asosida bajarib berishni o'z zimmasiga oladi.

1.2. «Buyurtmachi» esa «Bosh pudratchi»ga qurilish ishlarini bajarish uchun zarur bo'lgan sharoitlarni, tegishli loyiha xujjatlari bilan ta'minlash, bajarilgan «Buyurtmachi» qurilish materiallari xarid qilish ishlarini tegishli tartibda qabul qilib, to'lov ishlarini amalga oshirish majburiyatlarini o'z zimmasiga oladi.

1.3. Ob'ektda «Buyurtmachi» qurilish materiallari xarid qilish ishlarini bajarish muddati 2022 yil 19 08 dan 2022 yilning 31 12 gacha.

## **2. SHARTNOMA BAXOSI.**

2.1. Mazkur shartnoma bo'yicha «Bosh pudratchi» tomonidan bajariladigan ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalarni o'z ichiga olgan holda 6 900 000,0 (olti million to'qqiz yuz ming) so'm.

2.2. Qurilish bahosi va muddati mazkur shartnomada nazarda tutilishi mumkin bo'lgan qurilish hajmining oshishi yoki kamayishini «Buyurtmachi»ning joriy ta'mirlash ishlarini bajarilgunga qadar xukumat qaroriga ko'ra qiymatliklar o'zgartirilganligini fors-major holatlarini istisno etgan holda qat'iy sanaladi.

2.3. Tegishli asoslar mavjud bo'lgan taqdirdagina shartnoma bahosiga oid o'zgartirishlar shartnomaga qo'shimcha bitim bilan rasmiylashtiriladi.

## **3. SHARTNOMA BUYICHA MAJBURIYATLARI.**

### **«Bosh pudratchi»:**

3.1. Barcha «Buyurtmachi» qurilish materiallari xarid qilish ishlarini mazkur shartnomaga ilova qilingan loyiha xujjatlarida ko'rsatilganga hajmda va belgilangan muddatda o'zining kuchlarini yoki jalb qilingan uchinchi shaxslar yordamida bajarish hamda shartnoma shartlariga ko'ra «Buyurtmachi»ga topshirish.

3.2. O'zi jalb qilgan uchinchi shaxslar tomonidan bajarilgan «Buyurtmachi» balansida qurilish materiallari xarid qilish ishlarini sifatiga, muddati uchun javobgar bo'lish.

3.3. «Buyurtmachi»ni o'zi bilan uchinchi (Sub pudratchi) shaxslar o'rtasida tuzilayotgan shartnoma haqida habardor qilish.

3.4. «Buyurtmachi» etkazib bergan va o'z kuchi mablag'i evaziga tashib keltirilgan qurilish materiallari va konstruksiyalarini ularga zarar etmagan holda saqlash.

3.5. «Buyurtmachi» qurilish materiallari xarid qilish ishlarini bajarilayotgan ob'ektda ekologiya va tozalikka rioya etgan holda texnika va yong'in xavfsizligi tadbirlarini ta'minlash.

3.6. O'zi tomonidan keltirilgan qurilish materiallarining loyihada nazarda tutilgan talablarga (standart va x.k) javob berishini ta'minlash.

### **«Buyurtmachi»:**

3.7. Kalendar ish rejasida belgilangan tartibda lekin shartnoma imzolangan kundan e'tiboran 5 kun muddat ichida ob'ekt maydoni va loyiha xujjatlarini «Bosh pudratchi» ga topshirish.

3.8. SHartnomada nazarda tutilgan miqdorda va muddatda bajarilgan joriy ta'mirlash ishlari uchun «Bosh pudratchi»ga haq tulash.

3.9. «Bosh pudratchi»ning yozma talab, iltimos to'lov va e'tirozlari 5 kunlik muddat ichida o'rganilib chiqib munosabat bildirish.

3.10. Kalendar ish rejasi asosida bajarilgan ishlarni tegishli tartibda qabul qilib olish.

## **4. TO'LOV VA XISOB-KITOBLAR**

4.1. Ushbu shartnoma buyicha tulov O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunchiligiga asosan byudjet tashkilotlarini tovar (ish.xizmat) etkazib beruvchilar bilan tuzilgan shartnomalari majburiy tarzda Gaznachilik bulinmasidan ruyxatdan utkazilgandan sung bajariladigan ishlar buyicha 10 kun ichida oldindan 30% tulov amalga oshiriladi va qolgan 70% tulovi taqdim etilgan bajarilgan ishlarni tasdiqlovchi F-2, F-3 asosan amalga oshiriladi.

4.2. Bajarilgan ishlarda aniqlangan kamchiliklar bartaraf etilmagunga qadar to'lov ishlari kechiktirilishi mumkun.

## **5. ISHLARNI OLIB BORISH VA KAFOLAT MUDDATI.**

- 5.1. «Buyurtmachi» qurilish ob'ektiga o'z vakili «Texnik nazoratchi» tayinlaydi. U «Buyurtmachi» nomidan ishlarning hajmi va sifati, materiallari hamda boshqa ashyolarni shartnoma shartlari va loyiha xujjatlari talablariga mosligini tekshirib, bajarilgan ishlar dalolatnomasini rasmiylashtiradi.
- 5.2. Joriy ta'mirlash ishlari mazkur shartnomaga ilova qilingan ish grafigi, kalendar ish rejasiga ko'rsatilgan muddatgacha «Pudratchi» tomonidan bajariladi.
- 5.3. Qurilish maydonida bajarilgan joriy ta'mirlash ishlarini loyiha xujjatlari va qurilish qonun qoidalari talablariga javob berish uchun «Bosh pudratchi» ma'sul sanaladi.
- 5.4. Ob'ekt va unga kiradigan muhandislik tizimlarini qurilish materiallari, jihozlaridan foydalanish va ishlarini kafolatlik muddati tomonlar qurilishi tugallangan ob'ektning qabul qilib olish to'g'risidagi dalolatnomani imzolagandan so'ng 6 oy obektning kafolatli muddati 12 oy deb belgilanadi.
- 5.5. Sifatsiz bajarilgan ishlarni qayta tiklash uchun sarf qilingan qo'shimcha harajatlar shartnoma qiymatidan tashqari bo'lib, aybdor hisobidan qoplanadi.
- 5.6. Sifatsiz va kamchilik bilan bajarilgan ish aniqlanganligi xususidagi dalolatnoma bilan tomonlar kelisha olmasalar, ekspertiza tayinlanadi yoxud xujalik sud tartibida hal qilinadi.

## **6. QURILISHNI KONSERVATSIYALASH VA FORS-MAJOR HOLATI.**

- 6.1. Qurilishni konservatsiyalashda taraflar majburiyatlarining ijro muddatini bartaraf etib bo'lmaydigan vaziyat (fors-major) 1 oydan ortiq davom etadigan bo'lsa, qurilishni noma'lum muddatga to'xtatish (konservatsiyalash) uchun chora-tadbirlarni ko'rishni muxokama etadilar. Bir tuxtamga kelinmasa, 2 oy mobaynida taraflar shartnomani bekor qilishni talab qilishga haqlidirlar.
- 6.2. Agarda tomonlar majburiyatlarini qisman yoki to'la ijro eta olmay qolishi tabiiy hodisalar, harbiy xarajatlar, boshqa bartaraf etib bo'lmaydigan boshqa kuchlar sababli sodir bo'lgan bo'lsa, Ushbu holatlar shartnoma ijrosiga bevosita ta'sir etadigan bo'lsa, tomonlar shartnoma bo'yicha majburiyatlarini qisman yoki tula ijro etolmay qolgani uchun javobgarlikdan ozod bo'ladilar.
- 6.3. Qurilish ob'ektga to'laligicha konservatsiya qilish haqidagi qaror qilingan kunga qadar bajarilgan ishlar haqi to'liq to'lanadi.

## **7. SHARTNOMANI BEKOR QILISH.**

- 7.1. «Buyurtmachi» «Bosh pudratchi»ning aybi bilan qurilish grafik rejasi va loyiha shartlarida ko'rsatilgan ishlarning bajarilishi bir oydan ortiq vaqtda to'xtatilganda, ish sifati buzilganda, «Bosh pudratchi» yuridik shaxs sifati qonunda belgilangan tartiblarda aniqlanganda, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etishdan asossiz bosh torttirganda qonun xujjatlarga muvofiq boshqa asoslar bo'yicha shartnomaning bekor qilinishini talab qilish xuquqiga ega.
- 7.2. «Bosh pudratchi» «Buyurtmachi» tomonidan asossiz ravishda 1 oydan ortiq vaqt mobaynida qurilish ishlari tuxtatilib qo'yilganda, moliyalashtirish to'xtatib quyish xuquqiga egadir.
- 7.3. SHartnomani bekor qilish haqidagi talablar taraflar bir-birini yozma ravishda xabardor qilingan holda 1 oylik muddat ichida ko'rib chiqilib, hal qilinadi. SHartnomani asossiz bir tomonlama bekor qilinishiga yo'l qo'yilmaydi.
- 7.4. SHartnoma bekor qilinganda aybdor tomon ikkinchi tomonga etkazilgan zarar va boy berilgan foydani to'laydi.

## **8. TOMONLARNING MULKIY JAVOGBARLIGI.**

- 8.1. «Buyurtmachi» «Pudratchi»ga har bir kun uchun majburiyatining bajarilmagan qismini 0,4 % miqdorida peniya to'laydi. Peniya bajarilmagan majburiyatning 50 % idan oshmasligi lozim .
- 8.2. SHartnomaga muvofiq bajarilgan ishlar hajmini tasdiqlashdan asossiz bosh tortganligi uchun «Buyurtmachi» «Bosh pudratchi»ga o'zini tasdiqlashni rad etgan so'mmaning 5 % miqdorida jarima to'laydi.
- 8.3. «Bosh pudratchi» «Buyurtmachi»ga o'z majburiyatlarini bajarmagan qismini 0,5 % miqdorida har bir kechiktirilgan kun uchun peniya to'laydi. Peniya bajarilmagan majburiyatining 50 % idan oshmasligi lozim .
- 8.4. «Bosh pudratchi» tomonidan bajarilgan ishlar sifati shartnomada va loyihada belgilangan va boshqa qonun talablariga javob bermasa, sifatsiz bajarilgan ish hajmi qiymatining 10 % miqdorida «Buyurtmachi»ga jarima to'laydi.
- 8.5. «Buyurtmachi»dan olingan foydalanilmagan qurilish materiallari va boshqa ashyolar bir oylik muddat ichida qaytarilmasa, qaytarilmagan mulkning 10% miqdorida jarima qo'llanishiga sabab bo'ladi.

## **9. ALOHIDA QOIDALAR.**

- 9.1. «Bosh pudratchi» o'z kuchi mablag'i bilan olib kelgan qurilish materiallari va boshqa ashyolarning shartnoma va hamda loyiha talablariga mos kelishi haqida sertifikat texnik pasportlari bo'lishini ta'minlashi shart.
- 9.2. Qurilish materiallari va boshqa ashyolar «Bosh pudratchi» tomonidan markazlashtirilgan omborlar orqali «Bosh pudratchi»ning yozma (trebovanie) orqali beriladi.
- 9.3. Joriy ta'mirlash ishlarini bajarish uchun zarur bo'lgan transport vositalari maxsus transportlar «YOrdamchi pudratchi» ixtiyorida bo'lmasa, «Bosh pudratchi» tomonidan markazlashtirilgan usulda ta'minlanadi.
- 9.4. Qurilish materiallari va boshqa ashyolardan hamda transport vositalaridan foydalanganlik uchun hisob-kitob qilish shartnoma doirasida amalga oshiriladi.
- 9.5. SHartnoma loyiha hamda qonun talablariga javob bermaydigan material va uskunalardan foydalanish ta'qiqlanadi.

## **10. SHARTNOMAGA QO'SHIMCHA VA O'ZGARTIRISHLAR KIRITISH.**




- 10.1. SHartnomaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish ikkala tomonni roziligiga asosan yozma ravishda bildiriladi.

## **11.SHARTNOMANING AMAL QILISH MUDDATI.**

## 11.SHARTNOMANING AMAL QILISH MUDDATI.

11.1. SHartnomani amal qilish muddati shartnoma ikki tomon o'rtasida imzolanib, G'aznachilik bo'linmasi tomonidan ro'yxatga olingan kundan boshlab yuridik kuchga ega bo'ladi va 2022 yil 31 dekabr yilgacha amal qiladi.

## 12. TOMONLARNING REKVIZITLARI.

“BUYURTMACHI”	“Bosh pudratchi”
<p>Nomi: <u>Dehqonobod tuman hokimligi</u></p> <p>Manzili: Dexqonobod.t</p> <p>SHx/r: 305122860102127109602018001</p> <p>INN : 201 047 152                      IFUT: 97600</p> <p>O`z.R. Moliya Vazirligi G`aznachiligi</p> <p>X/r: 23402000300100001010</p> <p>INN: 201 122 919    MFO: 00014</p> <p>Bank: Toshkent sh. Markaziy bank BB XKKM</p> <p>Direktor:  Z. Aliqulov</p>	<p>Nomi: Bobur xususiy firmasi</p> <p>Manzili: Dehqonobod tumani</p> <p>X/r: 20208000904150187001</p> <p>INN: 203 754 558</p> <p>Bank: Agrobank Dehqonobod filiali</p> <p>MFO: 00158</p> <p>Rahbar:  B. Toshboyev</p> 



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Дехқонобод туман ҳоқими

З.Х.Алиқулов

Дехқонобод тумани

19.08.2022 йил

№ 08

Дехқонобод туман ҳоқимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган уй-жой таъмирига мухтож хотин-қизларга қурилиш материаллари харид қилиш учун танлов шартлари асосида маҳсулот етказиб бериш учун танлов асосида шартнома тузиб, сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

**ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:**

Комиссия раиси туман ҳоқимининг

ўринбосари:

Ш.Эргашов

АЪЗОЛАРИ:

1. Ш.Исмоилов
2. Ш.Имомов
3. У.Норпўлатов
4. Д.Эшдавлат

бош ҳисобчи  
қурилиш бўйича бош мутахассис  
умумий бўлим бошлиғи в.в.б.  
бош мутухассис

**Кун тартибида қуриладиган масала:**

Дехқонобод туман ҳоқимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган уй-жой таъмирига мухтож хотин-қизларга қурилиш материаллари харид қилиш учун бажарадиган корхона билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, Дехқонобод туман ҳоқимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган уй-жой таъмирига мухтож хотин-қизларга қурилиш материаллари харид қилиш бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар қуйидагича:

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 15 август кунда лот №131011-сонли протокол эълон қуйилгандан кейин 2 та ташкилот ўзини таклифлари билан катнашди ва энг юкори балл “Бобур” хусусий фирмаси олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар булмагандан кейин “Бобур” хусусий фирмаси билан шартнома тузилди.

**ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯСИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Бобур” хусусий фирмаси ғолиб деб топилсин.
2. “Бобур” хусусий фирмаси томонидан кўрсатиладиган жорий таъмирлаш ишлари учун шартнома тузиб, ишларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш хўжалик мудирини Н.Болтаевага топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Комиссия раиси:

Ш.Эргашов

АЪЗОЛАРИ:

Ш.Исмоилов

Ш.Имомов

У.Норпўлатов

Д.Эшдавлат



## XALQ DEPUTATLARI DEHQONOBOD TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 1 - iyun

VI-39-61-4-57-K/22

Dehqonobod tuman hokimligi

### Xalq deputatlari Dehqonobod tuman Kengashining 2022 yil 26 maydagi VI-39-60-4-57-K/22-sonli qaroriga o'zgartirish kiritish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 31 martdagi "Xotin-qizlar muammolarini o'rganish va hal etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 145-son qarori hamda "Ayollar daftari"ga kiritilgan fuqarolarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi Vasiylik kengashining 2022 yil 27 maydagi 2-sonli yig'ilish bayonnomasining ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi qonunining 6 va 24-moddalariga muvofiq xalq deputatlari tuman Kengashi

#### QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 31 martdagi "Xotin-qizlar muammolarini o'rganish va hal etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 145-son qarori hamda "Ayollar daftari"ga kiritilgan fuqarolarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi Vasiylik kengashining 2022 yil 27 maydagi 2-sonli yig'ilish bayonnomasi ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Xalq deputatlari Dehqonobod tuman Kengashining 2022 yil 26 maydagi VI-39-60-4-57-K/22-sonli qarorining 2-ilovasiga tegishli o'zgartirish va qo'shimcha 1-ilovaga muvofiq kiritilsin.

3. Xalq deputatlari Dehqonobod tuman Kengashining 2022 yil 26 maydagi VI-39-60-4-57-K/22-sonli qarorining 2-ilovasi o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblansin.

4. Dehqonobod tuman hokimligi bosh hisobchisi (SH.Ismoilov)ga:


- Ayollar daftari 3-bosqichiga kiritilgan 1-ilovada ko'rsatilgan jami 240 nafar xotin-qizlarning har biriga 300 000 (uch yuz ming) so'mdan jami 72 000 000 (yetmish ikki million) so'm miqdorda bir martalik moddiy yordam pullari xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi hisobidan Dehqonobod Xalq bankining **23120000500000693100**-sonli tranzit hisob raqami orqali xotin-qizlarning shaxsiy plastik raqamiga o'tkazish o'tkazish vazifasi yuklatilsin.

5. "Ayollar daftari"ga kiritilgan fuqarolarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi Vasiylik kengashi tomonidan ta'mirlash smetasi bo'yicha Ayollar daftari 3-bosqichi ro'yxatida turuvchi 2-ilovaga muvofiq 4 nafar xotin-qizlarning har biriga 7 000 000 (yetti million) so'm miqdorda uy-joylarini ta'mirlash uchun mablag' ajratilib, davlat xaridlarining elektron tizimi orqali aniqlangan qurilish materiallari yetkazib beruvchi korxonaga o'tkazilib berilsin.

6. “Ayollar daftari” jamg‘armasidan ajratilgan pul mablag‘larini to‘g‘ri va aniq sarflanishini nazorat qilish tuman hokimi o‘rinbosari, oila va xotin-qizlar bo‘limi boshlig‘i M.Yuldasheva zimmasiga yuklatilsin.

7. Ushbu qarorning ijrosini nazorat qilish tuman hokimining moliya-iqtisodiyot va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari hamda Xalq deputatlari tuman Kengashi huzuridagi “Mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investisiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari” bo‘yicha doimiy komissiya raisi (K.Xoliqov), “Yoshlar siyosati, xotin-qizlar va gender tenglik masalalari” bo‘yicha doimiy komissiyasi (N.Baynazarova) zimmalariga yuklatilsin.


**Kengash raisi**



**Aliqulov.Z.X**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Дехқонобод туман ҳокими ўринбосари –  
оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи,  
Васийлик кенгаши раиси

  
**М.Юлдашова.**  
2022 йил 27 май

**“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни  
қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши  
ийғилишининг**

**БАЁНИ**

2022 йил 27 май

2- сонли

Қорашина а/п

**Раислик қилувчи:** **М.Юлдашова** – Дехқонобод туман ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Васийлик кенгаши раиси

**Қатнашганлар:** У.Усмонов – туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Васийлик Кенгаши раиси ўринбосари, туман ДСИ бошлиғи И.Номозов, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ғ.Хайдаров, туман молия бўлими бошлиғи Ф.Нурмаматов, Халқ депутатлари туман Кенгаши қотибияти мудирини Н.Бозоров, туман аҳоли бандлигига кўмалашиш маркази бошлиғи Қ.Қурбонов, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ш.Амиров, АТ Халқ банки филиали бошқарувчиси Б.Тошнӣёзов, туман ҳокимлиги матбуот хизмати қотиби О.Қўлдошев.

Васийлик Кенгаши қотиби - туман оила ва хотин-қизлар бўлими Ижтимоий ҳимояга мухтож оилалар ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис У.Акабоев

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига киритилган боқувчиси бўлмаган, Ижтимоий ёрдамга мухтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд, тезкор тиббий ёрдамга мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида**

*(М.Юлдашова, У.Усмонов, И.Номозов, Ғ.Хайдаров, Ф.Нурмаматов, Н.Бозоров, Қ.Қурбонов, Ш.Амиров, Б.Тошнӣёзов)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги низом тасдиқланган.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги низомнинг 3-бобнинг 5-банди 4-хатбошига кўра «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда моддий ёрдам ажратиш;

5–хатбошига кўра “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизини, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача;



6-хатбошига кўра “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган фарзандларига (карамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) даволаш, дори воситаларини олиб бериш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача тўлаб бериш белгиланган.

Халқ депутатлари Дехқонобод туман Кенгашининг 2022 Халқ депутатлари Дехқонобод туман Кенгашининг 19.04.2022 йилдаги VI-38-48-57-К/22-сонли қарори кўра 2571 нафар хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилган.

Шундан, 1-тоифада ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар 1054 нафар, 2-тоифа тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар 191 нафар, 3-тоифада Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар 552 нафар, 4-тоифа Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар 460 нафар, 5- тоифа уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар 0 нафар, 6-тоифа карамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар 314 нафари дафтарга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисида Низомнинг 3-боб, 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида йиғилиш

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 145-сон қарорининг 2-иловаси, 3-бобнинг 5-банди ижроси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Дехқонобод туманидаги “Аёллар дафтари”га киритилган **240 нафар** хотин-қизларга **72 000 000 (етмиш икки миллион)** сўмлик бир марталик моддий ёрдам ажратилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ш.Исмоилов)га ажратилган ушбу маблағни Халқ банки Дехқонобод филиалининг **23120000500000693100** сонли транзит ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси юклатилсин.

*240 нафар хотин-қизларнинг рўйхати илова қилинади*

3.“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилалардаги хотин-қизлар Аёллар дафтارينинг

3-тоифасидаги боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар — **251** нафар,

4-тоифасидаги Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар — **137** нафар 6-тоифадаги Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар — **178** нафар,

Ушбк жами 566 нафар хотин-қизлар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинганлиги ва кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга нафақа ажратиш вақти 2022 йил ва 2023 йилнинг январ-апрел ойларида тугашини инобатга олиб, бир марталик моддий ёрдам пуллари ажратилмасин.

Ушбу 566 нафар хотин-қизларга кам таъминланганлиги ва эҳтиёжмандлигини инобатга олиб индивидуал дастурда кўрсатилган кўшимча ёрдам ва кўмаклар ажратилсин.

*566 нафар хотин-қизларнинг рўйхати илова қилинади*

4. Дехқонобод туманида “Аёллар дафтари”га киритилган 4 нафар хотин-қизлар рўйхати 28 000 000 (йигирма саккиз миллион) сўм миқдорда уй-жойларини таъмирлаш учун, давлат харидларининг электрон тизими орқали аниқланган қурилиш материаллари етказиб берувчи корхона ҳисоб рақамига маблағ ажратилиб ўтказилиб берилсин.

*4 нафар хотин-қизларнинг рўйхати илова қилинади*

5. АТ Халқ банки туман филиали бошқарувчиси (Б.Тошниёзов)га ажратилган бир марталик моддий ёрдам пулларини қонунда белгиланган тартибда фуқароларнинг пластик карталарига ўтказилиб бериш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу йиғилиш баёни ижросини ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари - Васийлик кенгаши раиси ўринбосари У.Усмонов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш қотиби



У.Акабоев

Дехқонобод тумани "Аёллар дафтари"га киритилган уй жой таъмирига мухтож хотин-қизлар  
РЎЙХАТИ

28.05.2022 йил

№	Ф.И.Ш.	Паспорт серияси ва рақами	Маҳалла фуқаролар йиғини	Янани маълумоти	Мобил телефон рақами (99-123-45-67 кўринишида бўлсин)	Кўрсатилган ёраам тури
1	Қурбонова Дилноза Эрганиевна	БГ 0225881	Янқонобод МФЙ	Янги киншоги	98-876-82-08	Уй жой таъмири
2	Шаббонаева Мадина Бўриевна	АА6735034	Ўзбекистон МФЙ	Жонабулак кўчаси	90-920-42-83	Уй жой таъмири
3	Бекмурзаева Фарда Кўнчиноши	АС1066509	Янқонобод МФЙ	Гинжак киншоги	98-804-29-24	Уй жой таъмири
4	Қаршиева Айсара ххх	АС1479231	Мустиқлик МФЙ	Қороқовул	91-213-06-54	Уй жой таъмири

Дехқонобод тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари



  
(имзо)

З.Алиев

Дехқонобод тумани прокурори, 2-сектор раҳбари

(имзо)

Л.Хамраев

Дехқонобод тумани Ички ишлар бўлими бошлғи,  
3-сектор раҳбари

  
(имзо)

Ғ.Хайдаров

Дехқонобод тумани давлат солиқ бошқармаси  
бошлғи

(имзо)

И.Номозов

Дехқонобод тумани ҳокимининг ўринбосари - оила  
ва хотин-қизлар бўлими бошлғи в.б

  
(имзо)

М.Юлдашова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Дехқонобод тумани ҳокимининг  
ўринбосари Ш.Эргашов  
2022 йил

### НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМА

Бизлар ким далолатнома тузиб имзо чекувчилар, туман Қурилиш бўлими мутахассислари И.Холиқов Р.Норбутаев Ўзбекистон МФЙ раиси И.Аллазовлар бўлиб тузамиз. Ушбу маҳаллада яшовчи фуқаро Шабонова Мадинанинг 15x4 метр ўлчамдаги бир қаватли турар-жой биносининг жорий таъмирлаш бўйича қуйидаги иш турлари бажарилиши аниқланди:

№	Иш тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Суммаси
1	2	3	4	5
1	Потолок учун пластик	дона	34	24x49000=1 666 000
2	Акфа Эшик(1.90x0.90)	Дона (метр)	2	1 350 000x2=2 700 000
3	Акфа Дераза	дона	4	660 000x4=2 640 000
ЖАМИ				7 006 000 сўм

*Изоҳ: Қурилиш материаллари нархлари тумандаги Қурилиш материаллари савдо дўконларида сотилаётган ушбу қурилиш материалларининг ўртача нархи бўлиб, туман Қурилиш бўлими материалларни ушбу нархда сотиб олинишига кафолат бермайди.*

Юқоридагиларни тўғри деб имзо чекувчилар:

Ўзбекистон МФЙ раиси

Туман Қурилиш бўлими мутахассиси

Туман Қурилиш бўлими мутахассиси


И.Аллазов

И.Холиқов

Р.Норбутаев.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дехқонобод туман ҳокими

 З.Х.Алиқулов

## БУЮРТМАЧИ:

Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани, “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг яшаш уйлари учун Халқ депутатлари Дехқонобод туман кенгашининг қарори асосида, Дехқонобод тумани Ўзбекистон МФЙда яшовчи фуқаро Шабонова Мадинанинг яшаш уйи учун қурилиш материаллари харид қилиш.

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилади.

#### 1. ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Дехқонобод туман ҳокимлиги томонидан, Дехқонобод тумани Ўзбекистон МФЙда яшовчи фуқаро Шабонова Мадинанинг яшаш уйи учун қурилиш материаллари хариди учун малакали мутахасисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 7 000 000 (етти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. **Ушбу танлов якуналари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Дехқонобод тумани ҳокимлиги (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: *Dehqonobod tumani. Qorashina aholi punkti M.Ulug'bek ko'chasi indeks: 180400*

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатла;
- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
- низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан литцензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта таўкил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари- талабгор ташкилотлар танлов предмети лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов твклифини тузиш учун буюртмачига (танлов твшкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

“ТАСДИКЛАЙМАН:  
Дехқонобод туман ҳокими

З.Х.Алиқулов  
2022 йил

Кашкадарё вилояти Дехқонобод тумани Ўзбекистон МФИда яшовчи фуқаро Шабонова  
Мадинага қурилиш материаллари харид қилиш туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан  
қурилиш материаллари харид қилиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Маҳсулот ва хизмат номи	Қурилиш материаллари харид қилиш
2	Буюрмачи	Дехқонобод туман ҳокимлиги
3	Буюртмачи учун асос	Халқ депутатлари туман кенгашининг қарорига асосан Қурилиш материаллари харид қилиш
4	Иш хизматлари Бажариладиган манзил	Дехқонобод туман Ўзбекистон МФИ
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифларини таклиф этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корхонанинг низом, Гувоҳнома, солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи йуклиги ва йирик солиқ туловчи эканлиги ҳақида маълумотнома, ишчилар руйхати, механизмлар руйхати олдин шу каби объектларда ишларни амалга оширганлиги тугрисида маълумот ёки тавсиянома, туман ҳокимлиги маъмурият томонидан тасдиқланган ишончнома.
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби	Етказиб берилган Қурилиш материаллари далолатномага мос равишда амалга оширилади.
8	Иш хизмат тури	Қурилиш материаллари харид қилиш
9	Иш хизматларини бажариш муддати	Шартномага асосан.
10	Техник меҳнат ҳафсизлиги бўйича талаблар	Иш хизматларини бажариш жараёнида меҳнат ва техника ҳафсизлиги қойида ва талабларига риоя этиш.
11	Молиялаштириш манбаси	Туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
12	Бажариладиган ишлар қиймати таклифи	7000000 (етти миллион) сум

Туман ҳокимининг ўринбосари:

Ш.Эргашов

Бош ҳисобчи:

Ш.Исмоилов

Бош мутахассиси:

Ш.Имомов

Умумий бўлим бошлиғи в.б.:

У.Норпўлатов

Туман ҳокимлиги бош мутахассиси:

Д.Эшдавлат

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 131011 на приобретение Дехконобод тумани Аёллар дафтарида турувчи Шобанова Мадина нинг уйига курилиш материалларини етказиш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 15.08.2022

Время рассмотрения 15.08.2022 16:45

Конкурсная комиссия Дехконобод туман хокимлиги хузуридаги Аёллар жамгармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ERGASHOV SHERDIL QUSHSHOQOVICH	Komissiya raisi	Hokimiyat
<b>Секретарь комиссии</b>	IMOMOV SHAMSIDDIN MAXMATQULOVICh	Kotib	Hokimiyat
<b>Член комиссии</b>	ISMOILOV SHAROFIDDIN ABDIROXMONOVICH	Komissiya a'zosi	Hokimiyat
<b>Член комиссии</b>	TULAYEV SIROJIDDIN MIXLIYEVICH	Komissiya azosi	Hokimiyat
<b>Член комиссии</b>	ESHDAVLAT DILSHOD ISMOIL O'G'LI	Komissiya azosi	Hokimiyat
<b>Член комиссии</b>	NORPO'LATOV USMON ALISHER O'G'LI	komissiya azosi	Hokimiyat

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.08.2022 года № лота 131011.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по доставке стройматериалов
Подробное описание	Аёллар дафтари кам таъминланган аёллар
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	7 000 000.00
Стартовая сумма	7 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш материаллари сифатли булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>БОБУР ХФ</b>	30	6900000	30	Экспертная		
<b>Жура бобо х/ф</b>	30	6975000	25	Экспертная		



Критерий №2 Корхонани гувоҳномази

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>БОБУР ХФ</b>	30	6900000	30	Экспертная		
<b>Жура бобо х/ф</b>	30	6975000	25	Экспертная		

Критерий №3 Солиқдан ёки банкдан қарзи йўқлиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>БОБУР ХФ</b>	30	6900000	30	Экспертная		
<b>Жура бобо х/ф</b>	30	6975000	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>БОБУР ХФ</b>	7 000 000.00	6 900 000.00 UZS	6 900 000.00	00.00	6 900 000.00	12.08.2022 15:27:56	50.00
<b>Жура бобо х/ф</b>	7 000 000.00	7 000 000.00 UZS	7 000 000.00	00.00	7 000 000.00	15.08.2022 15:10:59	49.29

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>БОБУР ХФ</b>	50	50	100
<b>Жура бобо х/ф</b>	41.6665	49.29	90.9565

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 131011 от 15.08.2022 года на приобретение Дехконобод тумани Аёллар дафтарида турувчи Шобанова Мадина нинг уйига қурилиш материалларини етказиш хизмати определила победителем:

БОБУР ХФ  
203754558

и резервный исполнитель: Жура бобо х/ф (202047170)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ERGASHOV SHERDIL QUSHSHOQOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ISMOILOV SHAROFIDDIN ABDIROXMONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ESHDAVLAT DILSHOD ISMOIL O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NORPO'LATOV USMON ALISHER O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП